

Таъзия



17:30 / 14.10.2025 1138

«Hilol Nashr» нашриёт-матбааси ва Islom.uz портали жамоаси Тошкент ислом институти катта ўқитувчиси, устоз Яҳё домла Раззоқовга падари бузрукворлари Ҳабибулло ота Раззоқовнинг вафотлари муносабати билан у кишининг барча оила аъзоларига, қариндош-уруғларига, яқинларига таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло марҳумнинг барча солиҳ амалларини ҳусни қабул айлаб, Ўз мағфиратига олсин, барча саҳву хатоларини кечирсин, раҳматига чулғасин, қабрларини жаннат боғчаларидан қилиб, охиратларини обод айласин!

Ушбу оғир дамларда марҳумнинг аҳли байтларига, барча яқинларига, Аллоҳ таолодан сабру жамил тилаймиз.

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!